**«ТАСДИҚЛАНДИ»**

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги "Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш Агентлиги "Жиззахсувқурилишинвест" Давлат муассасаси директори:**

**__________ А. Қаршибоев**

# "Жиззахсувқурилишинвест" ДМ буюртмачилигидаги ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш тадбирларининг атроф мухитга таъсир баёноти лойихаси (ЗВОС) учун

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

**2022 йил**



БАРЧА **МАХСУС СЕРТИФИКАТГА ЭГА** БЎЛГАН ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**"Жиззахсувқурилишинвест" Давлат муассасаси**

# ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Объект номи: "________________________________________" (иловада кўрсатилган) объектининг атроф мухитга таъсир баёноти лойихаси (ЗВОС) учун**

*Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – **11 000 000 сўм**.*

*Ишларни тугаллаш муддати (ЗВОС лойиҳаси ва Экспертиза хулосаси билан биргаликда) – **30 кун.***

Буюртмачи: **"Жиззахсувқурилишинвест" Давлат муассасаси** манзил: **Жиззах шаҳар Бешқувур кўчаси 56-уй. Тел: 72-226-91-60**

**Молиялаштириш манбаи: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**

- Танлов иштирокчилари иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакага эга бўлган мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- Ташкилот гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси атроф-мухитни мухофаза қилиш Давлат қумитаси хузуридаги атроф мухитни мухофаза қилиш соҳасидаги фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказининг махсус сертификати, ишчи ходимларнинг мутахассислиги бўйича маълумот (Диплом ва буйруқ нусхаси), моддий техник базаси бўйича маълумот (бино-иншоот кадастр хужжати нусхаси ёки ижара шартномаси нусхаси, компьютер техникалар, мазкур эълонга доир ўхшаш объектларда охирги 3 йилда бажарган ишлар рўйхати. Қарздорлик бўйича маълумот (К-2), шарнома тузишга лаёқатли ташкилот рахбари буйруғи ва паспорт нусхаси.
- Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи билан ҳисобга олинади.
- Иштирокчи танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича https://xarid.uzex.uz/ ёки саволлар билан **"Жиззахсувқурилишинвест" ДМ**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:
- **Жиззах шаҳар, Бешқувур кўчаси 56-уй. Тел: 72-226-91-60**
- Иштирокчилар тасдиқланган танлов ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
- Таклифлар , томонидан юқоридаги манзилда танлов эълонида чоп этилган куни ва вақтига қадар қабул қилинади.

Объектни молиялаштириш манбаи: **Давлат бюджети маблағлари.**

Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан махсус сертификатга эга лойиҳа ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

**Танловда иштирок этиш учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:**

фуқаролик-муомала лаёқати ваколатлари ва шартнома тузиш ваколати борлиги;

атроф мухитга таъсир баёноти лойихаси (ЗВОС)ни ишлаб чиқиш учун атроф-мухитни мухофаза қилиш Давлат қумитасининг махсус сертификатга эгалиги;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларга эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

**Қуйидаги иштирокчиларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:**

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар, ҳамда муассислик келишуви, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлов иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлов иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш мақсадида, танлов предметининг талаблари тақдим этилиши ҳақида буюртмачига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Таклифларни кўриб чиқиш эълон қилинган санадан бошлаб 10 (ўн) кундан кейин 2022 йил “_____” _____________ куни соат “_____” да бўлиб ўтади.

**ШАКЛЛАР РЎЙХАТИ:**

**1-қўйилма.** Танлов иштирокчисининг якунланмаган шартномалари бўйича маълумот.

**2-қўйилма**. Танлов иштирокчиси (анкетаси) тўғрисида маълумотлар.

**3-қўйилма.** Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумотлар.

**4-қўйилма.** Танловга қўйилган объектга ўхшаш объектлар бўйича иш тажрибаси.

**5-қўйилма.** Ишларни бажаришда фойдаланиладиган зарур асбоб-ускуна ва анжомлар рўйхати.

**6-қўйилма.** Кафолат хати.

2.2.2. Иловалар рўйхати:

**1-илова.** Лойиҳани бажариш буюртманомаси.

**2-илова.** Объектда қурилиш ишларини бажариш графиги.

2.3. Техник қисм:

буюртмачи томонидан тасдиқланган лойиҳа ташкилотига қўйиладиган талаблар;

2.4. Тижорат қисми:

лойиҳанинг ҳужжатларини ишлаб чиқиш нархи;

якунлаш муддати;

## ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВАРАҒИ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ).



| № | Параметрлар номи | Қўйиладиган талаблар (балл) | Талабгорлар | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| **ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ** | | | | | |
| **I. Танловда иштирок этиш буюртмаси таъминоти бўлмаганда таклиф кўриб чиқилмайди.** | | | | | |
| **II.Танлов иштирокчисининг якунланмаган шартномалари бўйича маълумот. Қўйилма № 1** | | | | | |
| 1. | 2019 йилнинг 1 январидан бугунги кунгача, яъни 2022 йил 1 январь кунига қадар буюртмачилар билан тузилган шартномаларни бекор килинганлиги | 5 | | | |
| **III. Танлов иштирокчиси тўғрисида маълумотлар. Қўйилмалар № 2** | | | | | |
| 1. | Танлов иштирокчисининг ташкилий тузилмаси бўйича маълумот (2а-қўйилма) | 5 | | | |
| 2. | Танлов иштирокчиси ҳақида умумий ахборот (анкетаси) (2б-қўйилма) | 5 | | | |
| 3. | Ўзб.Рес. атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қумитаси хузуридаги атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази сертификати мавжудлиги – камида 3 нафар | 15 | | | |
| 4. | Соҳада иш тажрибаси 10 йилдан кам бўлмаган, дипломга эга камида 2 нафар эколог мавжудлиги (махсус мутахассис) | 10 | | | |
| 5. | Соҳа бўйича доимий асосда ишлайдиган камида 4 та малакали ходим ва ишчилар борлиги | 5 | | | |
| 6. | Доимий асосда ишлайдиган умумий ходимлар руйхати – камида 6 нафар ходим борлиги;<br>(барча ишловчи ходимларнинг QR коди билан мехнат дафтарчаси, диплом ва буйруқ нусхаларини илова қилган холда.) | 5 | | | |
| **IV. Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумотлар.** | | | | | |
| **Қўйилма №3** | | | | | |
| 1. | Қарздорлиги ва банкротликда эмаслиги тўғрисида танлов иштирокчисининг кафолат хати (махсус бланкда, мухр ва имзо қўйилган бўлиши шарт) | 5 | | | |
| 2. | Қарздор қарздорлиги йўқлиги бўйича К-2 маълумоти (банкнинг махсус бланкасида, мухр ва имзо қўйилган бўлиши шарт, эълонга қўйилган санадан олдинги банк маълумотномаси инобатга олинмайди) | 15 | | | |
| **V. Танловга қўйилган объектга ўхшаш объектлар бўйича иш тажрибаси. Қўйилма № 4** | | | | | |
| 1. | Мазкур эълонга доир ўхшаш объектларда охирги 3 йилда бажарган ишлар рўйхати (Хисоб-фактура ҳужжатлари илова қилган холда.) | 15 | | | |
| **VI. Ишларни бажаришда фойдаланиладиган зарур асбоб-ускуна ва анжомлар рўйхати. Қўйилма № 5** | | | | | |
| 1. | Лойиҳани ишлаб-чиқиш учун зарур бўладиган:<br>1. Компьютер (жамланма) – 4 дона;<br>2. Принтер, сканер ва бошқ. – 5 дона;<br>(Асбоб-жихозларнинг кирим ҳужжатлари илова килган холда.) | 10 | | | |
| **VII. Кафолат хати. Қўйилма № 6** | | | | | |
| **1.** | Кафолат хати (объект ЗВОС лойиҳасини ишлаб чиқиб, “Давлат экология экспертизаси маркази” ДУК дан ижобий хулоса олиш ва экспертиза хулосалари учун тўланадиган давлат божларини иштирокчи томонидан тўлаб берилиши тўғрисида) | 5 | | | |
| | **Умумий хулоса - талабларга жавоб беради, молиявий таклифларини баҳолашга рухсат берилиши тавсия этилади** | **(100)** | | | |

**Баҳолаш гуруҳи аъзоси (аъзолари):** ________________________________

(имзоси) (Ф.И.О.) (санаси)

| Т/р | Бўлим номи | Бўлимга изоҳлар |
|---|---|---|
| 1. | Буюртмачи ташкилот номи: | *“Жиззахсувқурилишинвест” ДМ* |
| 2. | Объект номи: | “______________________________” **(иловада кўрсатилган) объектининг атроф муҳитга таъсир баёноти лойиҳаси (ЗВОС) учун** |
| 3. | Танлов тартиб рақами: | *№* |
| 4. | Танлов тури: | ***Очиқ*** |
| 5. | Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзили: | ***xarid.uzex.uz*** |
| 6. | Танловни ўтказиш манзили, жойи ва муддати: | ***Жиззах ш. Бешқувур кўчаси 56-уй*** |
| 7. | Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади: | ***http//xarid.uzex.uz махсус ахборот портали*** |
| 8. | Танловда иштирок этишга қуйидаги иштирокчиларга рухсат этилади: | ***Етарли ишчи кучи, асбоб-ускуна билан таъминланган, соҳа бўйича зарур малакали эколог-муҳандисларга ва ўхшаш объектларда ишлаганлиги ва етарли тажрибага эга бўлган, молиявий барқарор ташкилотларга*** |
| 9. | Махсус сертификат (ЗВОС ишлаб чиқиш учун): | ***Талаб этилади*** |
| 10. | Иштирокчиларнинг танлов ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш муддати: | ***Танлов таклифини тақдим этиш муддати тугашидан 3 кун олдин*** |
| 11. | Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари: | ***Оферталарни тақдим этишнинг охирги муддати - оферталарни очиш куни ва вақтигача*** |
| 12. | Танлов ҳужжатининг тили: | ***Ўзбек*** |
| 13. | Танлов таклифининг амал қилиш муддати: | ***Танлов таклифининг амал қилиш даври танлов таклифлари очилган кундан бошлаб 30 кундан кўп бўлмаслиги керак.*** |
| 14. | Танлов предметининг объектида ишлатиладиган оферентнинг машина ва механизмлари, асбоб-ускуналари: | ***1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун зарур инвентарлар***<br>*- Компьютер (жамланма) – 4 дона;*<br>*- Принтер (А4, А3 формат ва сканер ва бошқалар) – 5 дона;* |
| 15. | Қўшимча ҳужжатлар рўйхати: | ***Солиқдан қарздорлиги ва бошқа мажбурий тўловлар йўқлиги тўғрисида ваколатли органнинг маълумотномаси;***<br>***Ходимларнинг диплом нусхаси, ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ, меҳнат дафтарчаси нусхаси, ижара шартномаси, низом, гувоҳнома нусхаси*** |
| 16. | Иштирокчиларнинг техник ва молиявий қисмларини очилишига рухсат этиладиган иштирокчилар: | ***Танлов ҳужжатлари квалификация талабларга жавоб берган талабгорлар*** |
| 17. | Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи: | ***ҚҚС билан 11 000 000 сўм.*** |
| 18. | Буюртмачи томонидан белгиланган қурилиш муддати | ***(ЗВОС лойиҳаси ва экспертиза хулосаси билан биргаликда) - 30 кун*** |
| 19. | Молиялаштириш манбаи: | ***Давлат бюджети маблағлари*** |
| 20. | Лойиҳани молиялаштириш тартиби: | ***Молиялаштириш шартлари: бўнак - танлов савдолари натижаларига кўра аниқланган лойиҳа қийматидан жорий йил учун 30 %; жорий молиялаштириш - бажарилган ишларнинг ҳажмидан ажратиб берилган бўнакни ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, ишлар якунлангач ҳисоб-фактура билан 70% миқдорида.*** |
| 21. | Шартнома тили: | ***Ўзбек тили*** |
| 22. | Шартнома валютаси: | ***Сўм*** |

**1- ҚЎЙИЛМА**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЯКУНЛАНМАГАН ШАРТНОМАЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

Биз, қуйида имзо чекиб шуни тасдиқлаймиз-ки, 2019 йилнинг 1 январидан бугунги кунгача, яъни 2022 йил ___ ____________ кунига қадар буюртмачилар билан тузилган шартномаларни бекор қилмаганмиз ва тузилган шартномалар бўйича объектларни ўз вақтида фойдаланишга топширганмиз.

Бугунги кунда буюртмачи ва бошқа ташкилотлар билан суд жараёнида эмасмиз ва жавобгар деб топилмаганмиз.

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси ___________________

М.ў.

**Тасдиқланди** ___________________
**(Бош ҳисобчи имзоси)**

Тузилган сана «___» ___________20__ йил

**ҚЎЙИЛМАЛАРНИНГ БАРЧА САХИФАЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ИШОНЧ БИЛДИРИЛГАН ВАКИЛИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲР БОСИЛГАН БЎЛИШИ ЗАРУР.**



**2-а ҚЎЙИЛМА**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

Танлов иштирокчисининг ишлаб чиқариш тизимини кўрсатинг (ташкилот тизими унинг бўлинма тизимлари билан: участкалар, бўлимлар, цехлар, базалар, машина гараж ҳамда устахоналари ва ҳоказо, схема шаклида, тизимдагиларнинг фаолияти тўғрисида қисқача маълумот билан).

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси ___________________

М.ў.

Тузилган сана «___» ___________20__ йил

**ҚЎЙИЛМАЛАРНИНГ БАРЧА САХИФАЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ИШОНЧ БИЛДИРИЛГАН ВАКИЛИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲР БОСИЛГАН БЎЛИШИ ЗАРУР.**

**2-б ҚЎЙИЛМА**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ АХБОРОТ

Савдо иштирокчисининг номи ______________________________
Раҳбарнинг Ф.И.Ш. ______________________________
Манзил ва телефон (факс) рақами ______________________________
Юридик мақоми ______________________________
Тузилган сана (ким томондан, ордер ёки буйруқ берилган №) ______________________________
______________________________
Асосий фаолият тури (стат органи коди бўйича) ______________________________
Раҳбар ва унинг ўринбосари:

| № | Ф.И.О. | Маълумоти (ўқув муассасаси, мутахассис-лик, диплом берилган сана ва рақами) | Соҳада иш тажрибаси (йил) | Эгаллаб турган Лавозими | Эгаллаган лавозимдаги иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |

Асосий ходимлар (лойиҳачи-муҳандис, иш бажарувчилар ГИП ва бошқа):

| № | Ф.И.О. | Маълумоти (ўқув муасс.мутахас. диплом рақами ва санаси) | Соҳада иш тажрибаси (йил) | Бўлим номи, эгаллаб турган лавозими | Эгаллаган лавозимдаги иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

Доимий ишловчи ходимлар (ишчилар):

| № | Мутахассисликлар номи | Жами сони, ш.ж. мутахассислиги ва разряди бўйича | Шундан (3-устун) малакасини тасдиқловчи хужжати борлар | Шундан (4-устун) қурилишда 10 йилдан кам булмаган иш тажрибасига эга бўлганлар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | Жумладан: | | | |
| | Шундан: | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

Эслатма: Ушбу қўйилмага ишлаб чиқариш базасининг кадастр хужжатларидан (ижарада бўлса ижара шартномаси билан), лойиҳа ва қидирув ишларини олиб боришга лицензиялар илова қилиниши шарт.

КБ бошлиғи ______________________________
(имзо ва ФИШ)

Танлов иштирокчиси
раҳбарининг имзоси:______________________

М.ў.

Тузилган сана : «____»______________20___ йил

**ҚЎЙИЛМАЛАРНИНГ БАРЧА САҲИФАЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ИШОНЧ БИЛДИРИЛГАН ВАКИЛИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲР БОСИЛГАН БЎЛИШИ ЗАРУР.**



**3-ҚЎЙИЛМА**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ.

1. Қарздорлиги ва банкротликда эмаслиги тўғрисида танлов иштирокчисининг кафолат хати;

2. Қарздор қарздорлиги йўқлиги бўйича К-2 маълумоти.

**(банк махсус бланкда, муҳр ва имзо қўйилган бўлиши шарт) PDF шаклида юкланади ва асл нусха тақдим этилади.**

Раҳбар______________ Бош ҳисобчи______________
(имзо) (имзо)

М.ў.

Сана: «____» ___________20__ йил

**ҚЎЙИЛМАЛАРНИНГ БАРЧА САҲИФАЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ЗАРУР.**

**4 - ҚЎЙИЛМА**

## ТАНЛОВДА ҚЎЙИЛГАН ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ИШЛАГАНЛИГИ БЎЙИЧА ОХИРГИ 3 ЙИЛДАГИ ИШ ТАЖРИБАСИ

______________________________________________

(Танлов иштирокчисининг номи)

| | Объект номи, буюртмачи/бош пудратчи билан тузилган шартнома суммаси, ишнинг бошланиши ва тугаш санаси | Буюртмачи номи | Бажарилган ишлар (Фақат бажарилган асосий иш турларини курсатиш зарур) | Сумма | Ш.ж. йиллар бўйича | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | **2019 й.** | **2020 й** | **2021 й.** |
| 1 | | | . | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | Жами: | | | | | | |

Охирги йилда махсус ишларни бажарганлиги тўғрисидаги маълумот:

| Объект номи, буюртмачи/бош пудратчи билан тузилган шартнома суммаси, ишнинг бошланиши ва тугаш санаси | Буюртмачи номи | Бажарилган ишлар (Фақат бажарилган асосий иш турларини курсатиш зарур) | Миқдори |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси ______________

М.ў.

Тузилган санаси: «___»___________20__ йил

Ишонч билдирилган ____________________ ___________

(бош хисобчининг ФИШ) ( имзоси)

Маълумотлар хар бир объект иш турлари бўйича мустакил тўлдирилади ва давлат қабул қилиш комиссияси далолатномалари нусхалари билан тасдиқланади.

**ҚЎЙИЛМАНИНГ БАРЧА САХИФАЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ИШОНЧ БИЛДИРИЛГАН ВАКИЛИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХР БОСИЛГАН БЎЛИШИ ЗАРУР.**



**5-ҚЎЙИЛМА**

## ИШЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН ПУДРАТЧИНИНГ МАШИНА, МЕХАНИЗМЛАР, ЗАРУР АСБОБ-АНЖОМЛАР ВА КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАЛАРИ РЎЙХАТИ

| Т/р | Номи | Русуми | Миқдори | Ишлаб чиқарилган йили | Қуввати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси ______________

М.ў.

Тузилган санаси: «___»___________20__ йил

**ҚЎЙИЛМАНИНГ БАРЧА САҲИФАЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ЗАРУР.**

**6-ҚЎЙИЛМА**

## КАФОЛАТ ХАТИ

**(объектнинг ЗВОС лойиҳасини ишлаб чиқиб, “Давлат экология экспертизаси маркази” ДУК дан ижобий хулоса олиш ва экспертиза хулосалари учун тўланадиган давлат божларини иштирокчи томонидан тўлаб берилиши тўғрисида)**

**(махсус бланкда, мухр ва имзо қўйилган бўлиши шарт) PDF шаклида юкланади ва асл нусха тақдим этилади.**

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси ______________

М.ў.

Тузилган санаси: «___»__________20__ йил

**ҚЎЙИЛМАЛАРНИНГ БАРЧА САҲИФАЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ РАҲБАРИ ЁКИ ИШОНЧ БИЛДИРИЛГАН ВАКИЛИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲР БОСИЛГАН БЎЛИШИ ЗАРУР.**



**1- ИЛОВА**

**Буюртмачи номи:** ________________________________________

## ЛОЙИҲАНИ БАЖАРИШ УЧУН
## Б У Ю Р Т М А

“____________________________________________________________
____________________________________________________________”

“________________________” _______

1. Биз, қуйида имзо чекувчилар, юқорида эслатилган ишларни бажариш учун майдонни кўриб, умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат танлов ҳужжатлари билан танишиб, эслатилган барча ишларни юқоридаги ҳужжатларга мувофиқ ҚҚС билан ____________________ (____________________________________________________________ ______________) **сўмга** бажариш ва тугаллаш ҳамда улардаги хар қандай топилган камчиликларни тузатишни зиммамизга оламиз.

2. Агар бизнинг таклифимиз қабул қилинса, буюртмачидан ишга киришиш ҳақидаги ёзма хабарни олганимиздан сунг **<u>5 кун</u>** (5) ичида ишларни бошлашга киришиш ва киришилган кундан эътиборан ____ **кун** мобайнида тугаллаш мажбуриятини оламиз.

3. Бизнинг таклифимиз танлов ўтказилган кундан бошлаб 60 календар кун мобайнида амал қилади.

4. Шартнома тузилгунга қадар, мазкур танлов таклифи унинг қабул қилинганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома билан бирга ўртамиздаги юридик мажбурият ҳисобланади.

5. Таклифимиз қабул қилинганлиги тўғрисидаги олинган хабарнома, бизга Сиз билан расмий шартнома тузишга мажбурият юклайди ва биз уни бажарилишини таъминлаймиз.

6. Тақдим этилган таклифлардан нархи энг кам бўлганини буюртмачи ва танлов комиссияси қабул қилишга мажбур эмаслигига розилигимизни билдирамиз.

7. Танлов иштирокчиларига берилган №___ рақамли хабарнома биз томондан инобатга олинган.

8. Биз, буюртмачи билан ўзаро ҳисоб-китобларни танлов комиссияси мажлиси баённомаси билан тасдиқланган, кейинги босқичларда ўзгартирилмайдиган шартномавий баҳоларда амалга оширишга розимиз.

Ушбу ҳужжат тузилган: «___» _____________ 20__ йил

Имзо ____________________

М.ў.

**ИЛОВА САХИФАЛАРИ ТОПШИРИЛАЕТГАНДА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ЗАРУР.**

**2 - ИЛОВА**

## ИШЛАРНИ БАЖАРИШ УМУМИЙ ГРАФИГИ

“_______________________________________________

_______________________________________”

| Т/р | Иш тури, номи | Ишларнинг бошланиш санаси | Ишларни туғаллаш санаси |
|---|---|---|---|
| 1 | | | |
| 2 | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

Ушбу ҳужжат тузилган: «___» __________ 20__ йил

Имзо ____________________

М.ў.

**ИЛОВА САҲИФАЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУҲРЛАНГАН БЎЛИШИ ЗАРУР**



**Атроф муҳитга таъсир баёноти (ЗВОС) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича**

## ШАРТНОМА № ___

202_ йил «___»_______ Жиззах шаҳри

“Жиззахсувқурилишинвест” ДМ келгуси ўринларда “Буюртмачи” деб аталиб ҳамда ______________________________га асосан иш юритувчи номидан директори А.Қаршибоев, бир томондан, ва ______________________ масъулияти чекланган жамияти (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор ______________. иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

### 1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ ______________________________________ объекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйиладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиҳа” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: 15 фоиз аванс маблаги утказилгандан кейин;

Ишни якунлаш: 30 иш куни.

### 2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати ҚҚС билан ______________ сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати очиқдир. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорига асосан ҳамда вазиятлар, материаллар нархлари, ишга ҳақ тўлаш шартлари тубдан ўзгарганда ва бошқа харажатлар туфайли ишлар қиймати мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 15% олдиндан тўлов;

- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

2.6 АРТ, Давлат хизматлари, ЗВОС лойихаси, РСВ, гидрогеология хулосаси, ДАҚН хисоботи, давлат ва экологик экспертиза хулослари учун тўловлар “Ижрочи” томонидан амалга оширилади;

### 3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

3.1. ______________________________________________________________

__________ объекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида қуйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқга ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг Ижрочи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи Лойиҳани олганидан кейин қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;



3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижрочига юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Ижрочига юбормаса, Лойиҳа Буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.

3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин качиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

### 4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Ижрочига тақдим қилади.

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини Ижрочига тўлаб беради.

4.1.3. Ижрочидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора қилмаслик.

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқаророларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Ижрочини жалб этиш.

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Ижрочига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг).

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топширик ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши;

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 15% олдиндан тўлов;

- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойиҳани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойиҳани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

2.6 АРТ, Давлат хизматлари, ЗВОС лойихаси, РСВ, гидрогеология хулосаси, ДАҚН хисоботи, давлат ва экологик экспертиза хулослари учун тўловлар "Ижрочи" томонидан амалга оширилади;

### 3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.

3.1. ________________________________________

__________ объекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида қуйидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқга ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг Ижрочи тайёр Лойиҳани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қилади.

3.3. Буюртмачи Лойиҳани олганидан кейин қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;



3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижрочига юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Ижрочига юбормаса, Лойиҳа Буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.

3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

### 4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Ижрочига тақдим қилади.

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини Ижрочига тўлаб беради.

4.1.3. Ижрочидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора қилмаслик.

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Ижрочини жалб этиш.

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Ижрочига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг).

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши;

4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиш. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Ижрочи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўкач қилмаслиги керак.

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда Буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш.

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойиҳани Буюртмачига топшириш.

4.2.5. Лойиҳа ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Ижрочидан қуйидагиларни талаб қилиш:

- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиши;

- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;

- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий зарарларини қоплаш;

- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий зарарлар қопланишини Ижрочидан талаб қилиш.

- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиха хужжатларига кушимча иш хажмлари ва харажатар аникланган такдирда «Уздавархитекткурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли буйруги билан тасдиланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб куйилади.

4.4. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

## 5. Томонлар жавобгарлиги.

5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.



5.2. Лойиҳа Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин Ижрочи кафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва Лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг зарарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи Лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) қуйидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи Ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида Лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёҳуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;

5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва зарарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шарти билан, биринчи томон иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматидан 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

**6. Махфийлик.**

6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошкора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак

**7. Шартномани ўзгартириш ва тугатиш.**

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.

7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиш томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

**8. Низоларни хал этиш.**

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан хал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар Жиззах туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

**9. Форс-мажор.**

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуйидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнғин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, қамаллар, кўзғолонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъқиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман



бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

**10. Бошқа шартлар.**

10.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2019 йил «31» декабргача амал килади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Ижрочида сақланади.

**11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

**БУЮРТМАЧИ:** **ИЖРОЧИ:**

**Х У К У К И Й Х У Л О С А:**

Мазкур шартнома Узбекистон Республикаси "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида"ги Конунининг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хулосаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги хамда низоларнинг хал этилиши тартиби амалдаги конунчилик талабларига мослигини беради.

Хукукий экспертиза натижасига кура куйдагилар аникланди:

1. Шартнома лойихаси Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофик тузилган. Такдим этилаётган пудрат шартномаси шартлари конунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар кандай холат Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 686-708-моддалари хамда "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида"ги Конуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбурятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги окибатида юзага келадиган жавобгарлик Узбекистон Республикаси "Хужалик юритувчи субъетлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида"ги Конуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

*Илова - 1*

**“Жиззахсувқурилишинвест” ДМ буюртмачилигидаги ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш тадбирларининг атроф мухитга таъсир баёноти лойихаси (ЗВОС) учун объектлар**
**РЎЙХАТИ**

| № | Лойиҳалар номи | ЗВОС лойиҳасининг бошланғич қиймати (ҚҚС билан), минг.сўмда | Ишларни бажариш муддати (ЗВОС лойиҳаси ва экспертиза хулосаси билан биргаликда) |
|---|---|---|---|
| I | **Ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш** | | |
| 1 | Зомин туманидаги "Бош тармоқ", "Чап тармоқ", "Ўнг тармоқ" каналларини реконструкция қилиш | 11000,0 | 30 кун |
| 2 | Зомин туманидаги "Чап тармоқ" каналига қурилган насос станциялари биносини сел сувларидан ҳимоя қилиш | 11000,0 | 30 кун |
| 3 | Зомин туманидаги “Зоминсой” каналининг ПК7+83 ва ПК13+08 ларида пиёдалар ўтиш кўприги қуриш ва каналнинг оқим бўйлаб чап қирғоғидаги аҳоли яшаш уйлари билан Р-40 автомобиль йўлини туташтирувчи 300 метр йўл қуриш | 11000,0 | 30 кун |
| 4 | Янгиобод туманининг “Хўжамушкент” ва “Баландчақирсой” ҳудудларидаги лоток тармоқларини реконструкция қилиш | 11000,0 | 30 кун |
| 5 | Зафаробод туманининг “Мустақиллик”, “Ҳ.Олимжон” ва “Беруний” ҳудудларидаги суғориш тармоқларини реконструкция қилиш | 11000,0 | 30 кун |
| 6 | Дўстлик туманининг "М.Дадажонов", "Қ.Рахимов", "Янги Тараққиёт", "М.Абдувосиев" ва "Истиқлол" ҳудудларидаги суғориш тармоқларини реконструкция қилиш | 11000,0 | 30 кун |
| 7 | Пахтакор туманининг “А.Икромов”, “А.Темур”, “Самарқанд юлдузи” ва “Нодирабегим” ҳудудларидаги лоток тармоқларини реконструкция қилиш | 11000,0 | 30 кун |
| 8 | Ш.Рашидов туманидаги “ДМ-3” каналининг ПК0+00 дан ПК50+00 гача қисмини реконструкция қилиш | 11000,0 | 30 кун |
| 9 | Зарбдор туманининг “Ғалаба”, “Истиқлол” ва "Юксалиш" ҳудудларидаги суғориш тармоқларини реконструкция қилиш (1-босқич) | 11000,0 | 30 кун |
| 10 | Зафаробод туманининг “Беруний”, “С.Синдаров” ва “Ҳ.Олимжон” ҳудудларидаги лоток тармоқларини реконструкция қилиш | 11000,0 | 30 кун |
| 11 | Фориш туманидаги “МК-1” суғориш тармоғининг ПК0+00дан ПК12+00 гача қисмини реконструкция қилиш | 11000,0 | 30 кун |
| 12 | Арнасой туманининг “Фарғона”, “Туркистон”, “Й.Зоҳидов” ва “А.Соипназаров” ҳудудларидаги лоток тармоқларини реконструкция қилиш | 11000,0 | 30 кун |
| 13 | Мирзачўл туманининг “Туркистон”, “Янги дала”, “Тошкент”, “Мустақиллик келажаги” ва “Пахтазор” ҳудудларидаги лоток тармоқларини реконструкция қилиш (1-босқич) | 11000,0 | 30 кун |
| 14 | Ш.Рашидов тумани "Х.Олимжон" ва "Олтинсой" ҳудудларига насос станциялар қуриш | 11000,0 | 30 кун |
| 15 | Мирзачўл туманидаги “ПР-8” каналининг ПК138+00 дан ПК153+00 гача қисмини реконструкция қилиш | 10000,0 | 30 кун |
| | **Сел объектлари** | | |
| 16 | Ғаллаорол туманида жойлашган "Қаровултепа" сув омборининг чиқиш каналини реконструкция қилиш | 11000,0 | 30 кун |
| 17 | Фориш тумани "Эгизбулоқ" ҚФЙ ҳудудидан ўтувчи сел ўзанини таъмирлаш | 11000,0 | 30 кун |

| № | Лойиҳалар номи | ЗВОС лойиҳасининг бошланғич қиймати (ҚҚС билан), минг.сўмда | Ишларни бажариш муддати (ЗВОС лойиҳаси ва экспертиза хулосаси билан биргаликда) |
|---|---|---|---|
| 18 | Зомин тумани "Навоий, "Юксалиш", Қўштол", "Пешағор" МФЙлар ҳудудидаги сел ўзанларини таъмирлаш ва мустаҳкамлаш | 11000,0 | 30 кун |
| II | **Мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш** | | |
| 1 | Арнасой туманининг "Оқбулоқ", "Фарғона", "Мустақиллик" ва "А.Соипназаров" ФХҲУ лари ҳудудида ёпиқ-горизонтал дренаж тармоқларини қуриш | 11000,0 | 30 кун |
| 2 | Зарбдор туманининг "Шарқ Юлдузи", "Нурафшон", "Истиқбол", "Оқар", "Мустақиллик" ва "Ғалаба" ФХҲУ лари ҳудудида ёпиқ-горизонтал дренаж тармоқларини қуриш | 11000,0 | 30 кун |
| 3 | Зафаробод туманининг "Тинчлик" ва "С.Синдаров" ФХҲУ лари ҳудудида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш | 11000,0 | 30 кун |
| 4 | Мирзачўл туманининг "Абай", "Тошкент" ва "Р.Ҳайдаров" ФХҲУ лари ҳудудида ёпик-горизонтал дренаж тармоқларини қуриш | 11000,0 | 30 кун |
| 5 | Пахтакор туманининг "Навбаҳор", "Туркистон" ва "А.Икромов" ФХҲУ лари ҳудудида ёпиқ-горизонтал дренаж тармоқларини қуриш | 11000,0 | 30 кун |
| 6 | Арнасой туманининг "Туркистон", "Бухоро", "Фарғона" ва "Б.Файзиев" ФХҲУ лари ҳудудида коллектор тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш. | 11000,0 | 30 кун |
| 7 | Дўстлик туманининг "М.Дадажанов", "Саркисов" ва "Ш.Ибрагимов" ФХҲУ лари ҳудудида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш | 11000,0 | 30 кун |
| 8 | Зарбдор туманининг "Кериз", "Мустақиллик куёши", "Бўстон", "Шарқ юлдузи", "Нурафшон", "Ўзбекистон", "Истиқбол", "Намуна" ва "Оқар" ФХҲУ лари ҳудудида коллектор тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш | 11000,0 | 30 кун |
| 9 | Мирзачўл туманидаги "Мирзачўл", "Тошкент", "Мустақиллик келажаги" ва "Р.Ҳайдаров" ФХҲУ лари ҳудудида коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш | 11000,0 | 30 кун |
| 10 | Пахтакор туманининг "Оқбулоқ" ва "Бахмал" ФХҲУ лари ҳудудида коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш | 11000,0 | 30 кун |
| 11 | Зомин, Зарбдор, Пахтакор ва Ш.Рашидов туманлари ҳудудларидан ўтувчи Жиззах бош магистрал коллекторининг ПК342+00 дан ПК542+00 гача қисмини реконструкция қилиш (2-босқич) | 11000,0 | 30 кун |